

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2014 йил 23 май • № 20 (989)

Илмий-амалий анжуман

ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ – АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Жорий йилнинг 22 май куни пойтахтимизда «Шошилинч тиббий ёрдамни ташкил қилишнинг долзарб муаммолари: болалар ўткир касалликлари ва жароҳатларида шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш масалалари» мавзудаги республика илмий-амалий конференцияси ўз ишини бошлади. Унда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими ходимлари билан бирга, хорижлик мутахассислар ҳам иштирок этмоқдалар.

Анжуманда Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси М. Хўжамбердиев, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси – Бош вазир ўринбосари Э. Боситхонова, Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Л. Тўйчиев, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази директори А. Хаджибаевлар сўзга чиқиб, Президентимиз томонидан соҳага оид чиқарилаётган Фармон ва Қарорларнинг ижросини таъминлаш жараёнида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида соғлиқни сақлаш тизимида катта ютуқлар қўлга киритилаётганлигини алоҳида таъкидлаб

ўтдилар. Шу жумладан, юртимизда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг ўзига хос тизими шакллантирилганлиги ва аҳолига тезкор сифатли тиббий хизмат кўрсатилаётганлигига алоҳида эътибор қаратдилар.

Эътирофлиси шундаки, ўз нуфузига эга бўлган Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази фаолиятидаги амалий ишлар ўзининг юксак самарасини бериб, юқори малакали мутахассислар томонидан ноёб ва мураккаб операция жараёнларининг муваффақиятли бажарилаётганлиги, бу албатта, юртимиз тиббиётининг равнақи янада ошиб бораётганлигидан далолатдир.

(Давоми 2-бетда).



Съезд

НЕВРОЛОГИЯ – ТИББИЁТНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ



22-23 май кунлари пойтахтимиздаги "International Hotel" меҳмонхонаси заллари ҳар қачонгидан янада гавжум бўлди. Сабаби бу ерда Ўзбекистон неврологларининг V съезди иш бошлади. Ҳар беш йилда ўтказиладиган ушбу съезд неврологиянинг барча асосларини ўрганиш ва ўргатиш, ўзаро тажриба алмашиш, даволаниш усуллари тарғиб этиш, клиник жараёнларини таҳлил қилиш ва ҳамкорлик ўрнатиш каби қатор масалаларга бағишланди.

Съездга вилоятлардан келган иштирокчилар билан бир қаторда Россия, Украина, Қозоғистон, Озарбайжон, Испания каби давлатлардан ҳам неврологиянинг етук мутахассислари ташриф буюришди.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Шавкат Тиллаев кириш сўзи билан очди. Унинг таъкидлашича, ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон неврологиясида муҳим ўзгаришлар юз берди. Етакчи йўналишларда ташхис ва даволаш ишларининг яхшиланганидан ташқари, неврологиянинг кўплаб ўхшаш мутахассисликлар билан интеграциялашуви аҳамиятга молик воқеага айланди. Бу биринчи галда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар билан бевосита боғлиқдир. Жумладан, пойтахтимизда Республи-

ка шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг вилоят филиаллари ташкил этилди, ихтисослаштирилган илмий-тиббий муассасалар тармоғи ривожлантирилди, умумий даволаш амалиёти тизими мустаҳкамланди.

Съездда асосий мавзу иштирокчиларнинг маърузалари ҳамда секциялар орқали очиб берилди ва қизгин муҳокама қилинди. Жумладан, неврология тор мутахассислик эмаслиги, унинг илмий ва амалий қарови кенглиги, шунингдек, ҳал қилинаётган муаммоларнинг ниҳоятда долзарблиги сабабли неврология ҳар бири мустақил клиник мутахассислик сифатида кўриб чиқиладиган кўплаб қисмлардан иборат эканлиги маърузаларда батафсил таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

Семинар

ТАШАБУС, ФАОЛИЯТ, САМАРА

2014 йилнинг 23 май куни Сурхондарё вилоятида «Даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш ҳамда бирламчи тиббий-санитария муассасаларида аҳолига профилактик йўналишдаги тадбирларни такомиллаштириш юзасидан вилоят соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишлар»га бағишланган республика семинари бўлиб ўтмоқда.

Республика тиббиёт муассасаларида қарийб беш йилдирки, Инвестиция дастури асосида кўплаб тиббиёт масканлари қад кўтарди, айримлари эса реконструкция қилинди. Бирламчи тизим фаолиятлари эса янада такомиллашиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошиб бормоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ ҲАФТА ИЧИДА

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 16 апрелдаги фармойишига мувофиқ, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан 12 майдан бошлаб республикамизнинг барча ҳудудларида истиқомат қилувчи 18 ёшгача бўлган ногирон болалар «Соғлом

бола – соғлом келажак» шiori остида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, ҳамда Тошкент шаҳридаги даволаш-профилактика муассасаларининг малакали мутахассислари томонидан чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Мазкур тадбир 31 майгача давом этади.

Юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, жорий йилнинг 16 май куни пойтахтимизда Халқаро ҳамширалар куни муносабати билан «Ҳамширалар – соғлиқни сақлаш тизимида ҳаётий муҳим таянч ва ҳаракатлантурувчи кучдир» мавзусида республика семинари бўлиб ўтди.

Хабарингиз бор, 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий анжуманга дунёнинг ривожланган давлатла-

ридан етакчи мутахассислар тақлиф қилинди.

Жумладан, Жанубий Кореядаги Ёнсей университетининг стоматология институти «Анатомия ва биология» кафедраси мудири, профессор Хиджин Ким ўз йўналишидаги илмий ишлар билан таълим мақсадида Тошкент тиббиёт академиясига ташриф буюрди.

Илмий-амалий анжуман

ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ – АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Шунингдек, марказнинг жойлардаги 13 та минтақавий филиали ҳамда туман тиббийёт бирлашмалари қошидаги 172 та субфилиаллар фаолият кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида «103» хизмати станциялари, тез тиббий ёрдам гуруҳлари ҳамда санитар авиация хизмати йўлга қўйилган. Тез тиббий хизмат кўламини янада кенгайтириш мақсадида мазкур тизим сўнгги йилларда қарийб 600 га яқин махсус транспорт воситалари билан таъминланди ва олис ҳудудларга барча замонавий алоқа воситалари етказиб берилди.

Президентимизнинг 2009 йил 21 майда қабул қилинган «Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг изчиллигини таъминлашда дастурил-амал вазифасини ўтамоқда. Энг муҳими, шошилишч тиббий ёрдам хизмати муассасаларининг моддий-техник базасини мустақамлаш, тизимнинг транспорт паркини бойитиш ҳамда соҳа мутахассислари малакасини ошириш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар кечиктириб бўлмайдиган вазиятларда кўплаб инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолиш имконини бермоқда. Эътироф этиш жоизки, ҳозир мамлакатимизда тиббийётнинг ушбу йўналиши бўйича фаолият кўрсатаётган мутахассислар Жанубий Корея, Япония, Россия, Франция, Буюк Британия, Австрия, Швейцария каби мамлакатлардаги ҳамкасблари билан доимий ҳамкорликда самарали фаолият юритмоқдалар.

Ҳозирги кунда шошилишч тиббий ёрдам хизмати тизими

(Давоми. Боши 1-бетда).

шифохоналарида жами 8200 нафардан ортиқ беморга мўлжалланган ўрин мавжуд бўлиб, йилдан-йилга аҳолининг ушбу хизматга ишончи ортиб бормоқда. Ҳар йили 7,5 миллион муурожаат ҳолатларида фуқароларга шошилишч, шу жумладан, «103» хизмати томонидан 6 000 000 нафардан ортиқ қақирувларга эса тез тиббий ёрдам кўрсатилган. Тизим шифохоналарида эса 600 000 нафардан ортиқ беморга амбулатор ва 600 000 нафар беморга эса стационар тиббий ёрдам берилган.

Бу кўрсаткичлар тизим салоҳияти, фаолиятининг изчиллиги ва кўламини намоён қилибгина қолмай, балки аҳолига кўрсатилаётган шошилишч тиббий ёрдамнинг барча учун очиқлигига, муассасаларда яратилган шарт-шароитларнинг қулайлиги, хизматларнинг сифатли ва замонавий эканлигига далилдир. Ҳозирги кунда Республика шошилишч тиббий ёрдам илмий марказида 2500 нафардан зиёд юқори малакали мутахассис фаолият кўрсатмоқда.

Шошилишч тиббий ёрдам хизмати ходимларининг қисқа вақт ичида орттирган бой клиник ва илмий тажрибаси, тизимнинг ўзига хос ташкилий тузилмаси ва унинг бўлинмалари фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш механизмлари чет эллик мутахассислар ва соғлиқни сақлаш тизими ташкилотчиларининг қизиқишини уйғотмоқда. Буни эътиборга олган ҳолда охириги 14 йил давомида шошилишч тиббийётнинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуманлар ўтказиб келинмоқда.

Бўлиб ўтаётган ушбу илмий-амалий анжуман болалар ўткир касалликлари ва жароҳатларида шошилишч тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилишнинг долзарб муаммоларига бағишланди. Хусусан, йиғилишда болалардаги шикастланишлар ва уни хавфли асоратлардан сақлаш

масалаларига эътибор қаратилди. Мамлакатимиз ва хорижий мутахассислар томонидан долзарб мавзулар бўйича маърузалар қилинди. Ҳозирги даврда кўшма жароҳатлар диагностикаси ва даволаш усулларини такомиллаштириш жаҳон миқёсидаги долзарб муаммо бўлиб, бу борада юртимиз мутахассислари томонидан ҳам кенг илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда умумий шикастланишларнинг 30-32 фоизи болаларда кузатилади. Шундан 9-10 фоизини кўшма шикастланиш, яъни оғир жароҳатлар ташкил этмоқда. Уларга асосан, тез тиббий ёрдам тизими ши-



Тузла университети клиник маркази хирургия бўлими профессори Самир Делибеғович.

– Марказимиз энг сўнгги русумдаги тиббийёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланганини, даволаш-ташхис бўлимлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Муассасамиз реанимация, жарроҳлик, терапия, педиатрия йўналишлари бўйича 26 та клиник бўлимдан иборат бўлиб, 760 ўринга мўлжалланган. Ўткир миокард инфаркти, юрак коронар синдроми, ўткир гипертония, стенокардия, юрак ритми бузилиши, сурункали юрак етишимовчилиги, бактериал эндокардит хасталикларига дучор бўлган беморлар очик ва ёпиқ турдаги жарроҳлик услубларида даволанади. Бу ерда юрак ишлаб турган ҳолатида эндоваскуляр амалиёт, яъни юрак қон-томирларини стентлаш сингари ноёб жарроҳлик амалиётлари йўлга қўйилган, – дейди Республика тиббий ёрдам илмий маркази бош директорининг педиатрия ишлари бўйича ўринбосари Ҳилола Алимова.

Ибодат СОАТОВА,
Суратлар муаллифи
Анвар САМАТХОДЖАЕВ.



фоҳоналарида зарурий муолажа кўрсатилмоқда. Ўтказилаётган ислохотлар тизимнинг моддий-техник базаси янада яхшиланиши, яъни замонавий диагностика ва даволаш асбоб-ускуналари билан таъминланиши, аниқ ташхис қўйиб, белгиланган тартибда муолажа олиб борилишига ёрдам бермоқда. Натижада бемор болалар орасида ўлим 2-2,5 марта камайишига эришил-япти.

– Ўзбекистонга илк бор ташриф буюриб, юртингиз нақадар гўзал, инсонлари эса самимий

эканлигини кўриб, мамнун бўлдим. Айниқса, анжуман бошлангунга қадар Республика шошилишч тиббий ёрдам илмий марказида бўлиб, фаолиятлар билан танишиб чиқдим. Жаҳон андозаларига мос марказнинг сўнгги русумдаги технологиялари, юқори малакали кадрлар фаолияти, илмий йўналишдаги изланишлар кенг қамровда олиб борилаётганлигига амин бўлдим. Ушбу анжуманда ўз маърузам билан иштирок этиб, ҳамкасбларим билан ўзаро фикр алмашиш имкониятига эга бўлдим, – дейди

Съезд

НЕВРОЛОГИЯ – ТИББИЁТНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

Айниқса, неврологиянинг турлари саналган – ангионеврология, нейрогенетика, вегетология, эпилептология, нейротинфекцияларга оид таълим, вертеброневрология, периферик асаб тизими касалликлари, соматоневрология ва бошқалар ҳақидаги маърузалар иштирокчиларнинг диққат-марказида бўлди.

Съездни кузатар эканмиз, иштирокчиларни суҳбатга тордик. Уларнинг сўзларидан маълум бўлдики, мазкур съезднинг бугунги кундаги аҳамияти жуда катта.

Бахтиёр ҒАҒУРОВ,
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги бош неврологи,
тиббийёт фанлари доктори,
профессор:

– Сўнгги йилларда асаб тизими ва сезги органлари касалликлари мамлакатимиз аҳолиси ўртасида кузатилаёт-

(Давоми. Боши 1-бетда).

ган барча хасталикларнинг 8,5-9 фоизини ташкил этмоқда ҳамда нафас йўллари ва ошқозон касалликларидан сўнг 3-ўринни эгалламоқда. Айнан невропатологлар томонидан кузатиладиган қатор неврологик касалликлар, хусусан мия томир паталогиясининг алоҳида шакллари, умуртқа погонаси асоратлари, иккиламчи вегетатив бузилишлар ва бошқалар неврологик статистика ҳисоботида кирмайди, негаки улар асосий хасталикнинг асоратлари сифатида кўриб чиқилади. Демак, невролог-шифокорлар томонидан даволанадиган касалликлар турлари нақадар кенглигини шундан ҳам кўриш мумкин бўлади.

Айтиш жоизки, шошилишч тиббийёт тизими неврологияни ривожлантиришдаги интеграцияда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, илгари insultга чалинган беморга невролог-шифокор ва алоҳида таклиф этил-

ган айрим маслаҳатчилар қараган бўлса, энди шошилишч тиббий хизматнинг кўп соҳалиги туфайли insultга ва ўткир мия қон айланиши бузилишининг бошқа шаклларида чалинган беморларнинг ҳаётини сақлаб қолиш ва барвақт реабилитация қилиш билан неврологлар сингари нейрорарроҳлар, ангио-жарроҳлар, кардиологлар, рентген радиологиясининг эндоваскуляр усуллари бўйича мутахассислар ва бошқалар ҳам шуғулланмоқда. Шу боис бугунги съездда неврологиянинг барча соҳаларини кенг таҳлил қиламиз.

Ёқутхон МАЖИДОВА,
Ўзбекистон Неврологлар
уюшмаси раиси
ўринбосари:

– Ўтган олти йилда Ўзбекистон неврологияси жадал ривожланди. Бу патологиянинг томирнинг когнитив бузилиши ва дегенератив характер, эпилепсия (тутқаноқ), вертеброген



патология, вегетатив бузилиш, давлатларда ўтказилган кон-бош оғриғи, паркинсонизм, бош ва орқа миёда вена қон айланиши бузилиши каби ва бошқа шаклларида тегишлидир. Ушбу йўналишларда қатор диссертациялар ҳимоя қилинди, мамлакатимиз ва хорижий

давлатларда ўтказилган кон-ференцияларда кўплаб маърузалар ўқилди. Қувонарлиси, неврологиянинг кўплаб йўналишларида ўзбекистонлик мутахассислар замонавий неврология соҳасининг ютук

(Давоми 3-бетда).

Съезд

НЕВРОЛОГИЯ — ТИББИЁТНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

ва янгиликлари билан ҳамқамдам бўлиб келмоқда. Чет эллик ҳамкасбларимиз ҳам буни эътироф этмоқда. Ўзбекистон Неврологлар уюшмаси Европа Неврологик жамиятлар федерацияси (EFNS)га аъзо бўлганига 9 йил тўлди. Бир йил муқаддам эса Жаҳон Неврологлар федерациясига қабул қилинди. Ўзбекистон неврологлари EFNS конгресслари, шунингдек, неврологиянинг долзарб муаммолари (инсульт, деменция, эпилепсия, периферик (устки) асаб тизими касалликлари)га бағишланган халқаро конгрессларда мунтазам иштирок этиб, маърузалар билан чиқиш қилиб келмоқда. Ўзбекистон Неврологлар ассоциацияси Эпилепсияга қарши кураш бўйича халқаро лига (ILAE) аъзоси ҳамдир.

(Давоми. Боши 1-2-бетларда).

Озод ХОДЖАЕВ,
Республика ихтисослашган
кардиология маркази
етақчи мутахассиси,
тиббиёт фанлари
доктори, профессор:

– Кейинги йилларда неврология мамлакатда кечаётган соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар жараёнларига шиддат билан интеграциялашмоқда. Бу, авваламбор, бутун Ўзбекистон бўйлаб ташкил этилган шошилинч тиббиёт марказларида ўткир неврологик патологиялар, биринчи навбатда – мия инсулти билан хасталанган беморларга тезкор ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилгани билан намоён бўлади.

Мия инсулти бутун дунёда, хусусан Ўзбекистонда энг долзарб муаммолар қаторига киради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг статистик маълумотларига кўра, ҳар йили дунёда 10 миллиондан 15 миллионгача инсульт би-

лан хасталанган беморлар қайд этилади, уларнинг ярми бир йил ичида ҳаётдан кўз юмади. Тадқиқот натижалари шуни аниқ кўрсатдики, беморни "терапевтик ойна" даврида (инсульт содир бўлгандан бошлаб 3-6 соат ичида) шифохонага жойлаштириш ва даволаш муолажаларини вақтида олиб бориш натижасида унинг ҳаётини сақлаб қолиш ва кейинги ногиронликнинг олдини олиш прогнози уч баробар ошди. "Биринчи соат инсулти" муаммоси фақатгина ихтисослаштирилган шошилинч тиббий ёрдам марказларида юқори малакали невролог ва нейрореаниматорлар иштирокида ижобий ҳал этилиши мумкин.

Рена МИРАЛИЕВА,
Озарбайжон неврологлар
уюшмаси президенти,
тиббиёт фанлари доктори,
профессор:

– Бугунги съездда бирин-

чи бор иштирок этаяпман. Маълумки, неврологик касалликларнинг олдини олиш ва даволаш масаласи бутун дунё шифокорлари зиммасида турган энг муҳим вазифадир. Бугунги съезд бу борада ўзининг ижобий самарасини бериши, шубҳасиз. Чунки маъруза қилган мутахассислар неврология, реаниматология, терапия, кардиология, клиник фармакология ва бошқа ўзаро яқин клиник фанлар соҳасида ўз тажрибаларини иштирокчиларга ҳавола этишяпти. Бу эса ўзаро ҳамкорлик қилиш, тажриба алмашишга имкон яратаяпти. Биз ҳам келгусида Ўзбекистон неврологлари билан ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга ҳаракат қиламиз. Бугунги иштирокимиз ҳам айна шу мақсадга қаратилган.

Съездда маъруза қилган

Ўзбекистонлик мутахассисларнинг таъкидлашича, сўнгги йилларда умумий даволаш амалиётига қизиқиш ортаётгани неврологиямиз тараққиётида муҳим воқеалиқдир. Бошқа шифокорлик мутахассислиги каби неврологияда ҳам амалий бўлимлар мавжуд. Уларнинг хулосасини умумий амалиёт шифокорига ишониб топшириш мумкин. Албатта, бу махсус тайёргарликдан сўнг амалга оширилиши зарур. Шунда невролог соҳасининг янада нозик ва махсус бўлимларида ўз ишини янада чуқурлаштириш учун вақт ва имкониятга эга бўлади.

Ўзбекистон неврологларининг V съезди бугун ҳам давом этмоқда.

Элмурод ЭГАМҚУЛОВ.
Суратлар муаллифи
Жасур ЖАЛИЛОВ.

Семинар

МУҲИМ ТАЯНЧ ВА ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ

ҳамширалар фаолиятига эътироф

Барчамизга маълумки, ҳар йили дунё миқёсида 12 май – Халқаро ҳамширалар куни сифатида кенг нишонланади. Мазкур байрам мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида ҳам ўзгача тантанаворлик билан ўтказилади.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу тадбирни ўзига хос тарзда ўтказиш учун махсус фармойиш чиқарган ҳолда республика семинарларини

ри умумий амалиёт шифокорлари бўйича бош мутахассислар иштирок этдилар.

Тадбирнинг асосий мақсади бирламчи тиббий санитария тизимида ҳамширалар ўрни, шу-

кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатининг ошишида ўрта тиббиёт ходимларининг меҳнати таҳсинга лойиқлигини таъкидлади.

Вазирлик бошқарув аппарати бош мутахассиси Рихси Салиходжаева иштирокчиларни Халқаро ҳамширалар куни билан қутлаб, уларнинг аҳолига кўрсатаётган тиббий хизматларини алоҳида тилга олиб ўтди. Айниқса, бугунги давр талаби билан ишлаш ҳар бир ҳамширадан масъулият талаб этаётганлигини ва бу борада қишлоқ врачлик пунктларида оила ҳамшираларининг алоҳида ўрни борлигига атрафлича тўхталди.

Вазирликнинг даволаш-профилактика ёрдамидан кўрсатиш бош бошқармаси мутахассиси Барно Одилова ҳамда Республика саломатлик ва тиббий статистика институти мутахассиси Шўҳрат Алимардоновлар бирламчи тиббий санитария ёрдамида

айрим муаммолар хусусида ўз фикрларини билдириб ўтдилар.

Вазирликнинг марказий штаб ходими Муқаддас Долимова бирламчи тиббий санитария ёрдами тизимида репродуктив саломатликни такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишларга урғу қаратиб, "Саломатлик ҳафталиклари" мунтазам тарзда давом этаётганлиги натижасида аҳоли орасида касаллик

тизимини ташкил қилиш, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги "Қишлоқ врачлик пунктларини янада мақбуллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 50-сонли қарорининг жойлардаги ижроси, оилавий поликлиникалар ишини ташкил қилишда ҳамшираларнинг вазифалари, ҚВПларида ўтказилган "Сало-



ташкил этиб келмоқда. Бу албатта, юртимиз тиббиёт муассасаларида фаолият олиб бораётган 300 мингга яқин ҳамшираларнинг меҳнати соҳага муносиб рағбат ва эътибордир.

Жорий йилда вазирлик томонидан чиқарилган фармойишга асосан, Халқаро ҳамширалар кунига бағишлаб "Ҳамширалар – соғлиқни сақлаш тизимида ҳаётини муҳим таянч ва ҳаракатлантирувчи кучдир" мавзусида республика семинари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари тасарруфидаги шифо масканларида халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилаётган бош ҳамширалар, Ўзбекистон Республикаси Ҳамширалар ассоциацияси вилоятлар филиаллари раислари ҳамда бирламчи тизимда фаолият юритаётган мутасаддилар, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармала-

нингдек, оилавий поликлиникалар ҳамда қишлоқ врачлик пунктларида давлатимиз томонидан соҳага оид чиқарилаётган қарор, вазирликнинг буйруқлари ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди.

Семинарни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг даволаш-профилактика ёрдамидан кўрсатиш бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Анвар Хусанов кириш сўзи билан очиб, аввало семинар мавзуси нечоғлик долзарб эканлиги ва унинг замирида кўп сонли ҳамшираларнинг меҳнати борлигини эътироф этиб ўтди. Кун тартибидан ўрин олган муҳим мавзулар доирасида тўхталиб, бирламчи тизимнинг янада такомиллашуви натижасида аҳолига



аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини такомиллаштириш билан бирга, юритилаётган тиббий ҳужжатлар тўғрисида тўхталди, тизимга оид чиқарилган вазирликнинг 380-, 212-, 161-, 80-сонли буйруқлари ижроси жойларда қай тарзда бажарилаётганлиги ҳамда учраётган

кўрсаткичлари камаётганлигини таъкидлади. Шу билан бирга, давлатимиз томонидан соҳага оид чиқарилган 1096- ва 1144-сонли қарорларнинг оналар ва болалар саломатлиги учун нечоғлик муҳим эканлигини, бу борадаги ишларни янада изчиллик билан олиб бориш зарурлигига аҳамият қаратди. Айрим тиббиёт муассасаларида мазкур йўналишда учраётган камчилик ва муаммоларга эътироз билдирди.

Тадбир давомида вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари умумий амалиёт шифокорлари бўйича бош мутахассислари бирламчи тиббий санитария ёрдами тизимида профилактик тадбирларни ўтказиш ҳолати, қишлоқ врачлик пунктларида патронаж

матлик ҳафталиги" натижалари бўйича маъруза қилдилар.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Фарҳод Ханапаев семинар иштирокчиларини Халқаро ҳамширалар куни билан самимий қутлаб, уларнинг жамият ва оилада тутган ўрни, астойдил меҳнат қилишлари учун намунали шарт-шароит яратилганлигини эътироф этди.

Байрам муносабати билан қишлоқ врачлик пунктларида ўтказилган "Саломатлик ҳафталиги"да фаол иштирок этиб, юқори натижа ва самарага эришган ўрта тиббиёт ходимлари ҳамда шифо маскани жамоалари Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Семинарда бирламчи тизимда эришилаётган ютуқлар қайд қилиниб, келгусидаги режалар белгилаб олинди.

Намоз ТОЛИПОВ.

Тиббий кўрик

Тошкент шаҳри

БОЛАЛАР – МЕҲР-МУРУВВАТ ОҒУШИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги 2133-сонли «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасининг 2014 йил 29 мартдаги 9/18-14-сонли тақдирномасида белгиланган тадбирларни бажариш жараёни давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 524-сонли фармойишига асосан, 2014 йилнинг 12-31 май кунлари Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни олдида 18 ёшгача бўлган ногирон болаларнинг «Соғлом бола – соғлом келажак» шиори остида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларидаги даволаш-профилактика муассасалари малакали мутахассислари иштирокида чуқурлаштирилган тиббий кўрикларни ўтказиш режалаштирилди.



Мазкур тадбир республика миқёсида жорий йилнинг 12 май кунидан бошлаб даволаш-профилактика муассасаларининг тор мутахассислар гуруҳи – педиатр, невропатолог, окулист, оториноларинголог, хирург, ортопед-стоматолог, эндокринолог, физиотерапевт-педиатр, болалар гинекологи иштирокида қизгин олиб борилмоқда. Хизмат сафари давомида Тошкент шаҳри ва вилоятларининг оилавий ҳамда кўп тармоқли марказий поликлиникаларида бўлиб, жараён билан танишиб қайтдик.

Пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги 59-оилавий поликлиникага кириб борар эканмиз, болажонлар дидига хос тарзда безатилган хоналар, яратилган шароит ва имкониятлар, тиббиёт ходимларининг самимий муносабатлари эътиборимизни тортди. Кўрик жараёнида намунали хизмат, илқ ва самимий мулоқот маданиятига гувоҳ бўлдик.

Раъно НОСИРОВА,
Яққасарой туманидаги
59-оилавий поликлиника
бош врач:

– Тиббий кўриқда Яққасарой тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасидан 10 та йўналиш бўйича иштирок этаётган мутахассислар ҳудудимизда истиқомат қилувчи 0 дан 16 ёшгача ҳамда 16 дан 18 ёшгача бўлган ногирон болалар, кам таъминланган оила фарзандлари соғлигини текширмоқда. Уларда аниқланган касалликларни ўрганиб, соғломлаштириш режаларини туздик. Муҳим тавсия ва даво муолажаларини белгилаган ҳолда зарурий тиббиёт муассасаларига йўланма бермоқдамиз. Поликлиникамизда тиббий кўриқдан ўтаётган болалар учун УЗИ аппарати ҳамда биохимик лабораториянинг мавжудлиги уларга ташҳис қўйишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, касаллиги аниқланган болаларни жойида даволаш

учун шифо масканимизда ўсмирлар ва болалар учун кундузги бўлим мунтазам ишлаб турибди. Бу ерда тажрибали тиббиёт ходимлари фаолият олиб бормоқдалар. Ўтган йили 42 нафар ногирон бола тиббий кўриқдан ўтказилиб, соғломлаштирилди. Мазкур йилда эса бу кўрсаткич яхшиланиб, 39 нафар ногирон бола чуқурлаштирилган тиббий кўрик жараёнига қамраб олинди. Келишга имкони бўлмаган айрим ногирон болаларнинг уйларида мутахассислар бориб, чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиб қайтилар. Шифокордан тавсия ва маслаҳатлар олган ота-оналар ўз миннатдорлигини билдирдилар. Режа бўйича 2014 йилнинг 31 майга қадар ушбу тадбир давом этади. Албатта, бундай эзгу мақсадли ишлар ўз самарасини бериб, фарзандларимиз саломатлиги доимий диққат-эътиборимизда бўлади.



ғамхўрликларини бир сўз билан ифодалаш қийин. Йилдан-йилга ана шундай тадбирларнинг қамрови кенгайиб бораётганлиги ҳам бежиз эмас. Ҳар йили ўтказилаётган «Саломатлик ҳафталиги», «Чуқурлаштирилган тиббий

бир болани синчиклаб текширдим. Айримларига даво муолажалари олиш учун ушбу йўналишдаги тиббиёт муассасаларига йўланма бердим.

Шу билан бирга, «Саломатлик ҳафталиги» кўрикларида 0

Абдулла ва Тамилла АННАЗАРОВЛАР,
Яққасарой тумани:

– Фарзандимиз Абубакирни биргалиқда тиббий кўриққа олиб келдик. У айни кунда олти ойлик. Бугунги текширувлар натижаси Абубакирнинг саломатлиги яхши эканлигини тажрибали шифокор Алфия Эгамбердиевадан эшитгач, кўнглимиз янада таскин топди. Иккала фарзандимиз ва оила аъзоларимиз саломатлиги йўлида ўз меҳнатларини аямаётган, кези келганда уйимизга бориб зарурий маслаҳатларини бериб келаётган барча шифокорлардан мамнунмиз. Айниқса, оилавий поликлиникада яратилган шароитлар, ходимларнинг муомала маданияти боис, ушбу муассасага ишонч билан кириб келамиз. Уларнинг кўрсатаётган ғамхўрликлари туфайли ўз саломатлигимизга бўлган эътиборимиз ошиб бормоқда. Президентимиз жорий йилни «Соғлом бола йили» деб эълон қилганликларининг ўзи биз ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан бирга, фарзандларимизга бўлган меҳрлари беқиёс эканлигини кўрсата олади десак, муболага бўлмайди.



Алфия ЭГАМБЕРДИЕВА,
59-оилавий поликлиника
умумий амалиёт шифокори:

– Давлатимиз ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳамкорликда ўтказилаётган бундай тадбирлар болажонлар камолоти йўлидаги ғамхўрликнинг бир ифодасидир аслида. Бу эса «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг мазмун ва моҳияти билан ҳам узвий боғлиқдир. Қувонарлиси шундаки, Юртбошимизнинг келажак авлод саломатлигига қаратаётган эътибор ва

кўриқларда мунтазам иштирок этиб келаяпман. 2004-2005 йилларда «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида 10 ойлик ўқув курсида тахсил олиб, УАШ мақомига эришдим. Олдинлари болалар шифокори бўлсам, эндиликда оила учун хизмат қиладиган етук мутахассисга айландим. Жорий йилнинг 12 май кунидан бошланган ногирон болалар ҳамда кам таъминланган оила фарзандларини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишда иштирок этиб, қабулимга келган ҳар

дан 18 ёшгача бўлган соғлом болалар ҳам доимий назоратимизда. Поликлиникамизда болалар учун барча шароит ва имкониятлар мавжуд бўлиб, касаллик ташҳиси УЗИ аппарати ёрдамида тўғри аниқланади, лаборатория таҳлилари шу ернинг ўзида ҳал қилинади. Кенг доирада ўтказилаётган бундай тиббий кўриклар аҳоли қатламини кенг қамраб олиш билан бирга, уларнинг ўз саломатлигига бўлган эътиборини оширади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани кўп тармоқли марказий поликлиника



– Республика миқёсида фаоллик билан олиб борилаётган ногирон болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишда билими ўткир, малакали мутахассисларнинг жиддий ёндошуви ижобий натижалар бериш билан бирга, кўпгина касалликларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутмоқда, – дейди Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани кўп тармоқли марказий поликлиника шифокор-педиатри Мунира Ҳайитметова. – Бир неча йиллардан буён давом этиб келаётган бундай чуқурлаштирилган тиббий кўриклар кенг қамровга эга бўлиб, аҳолининг саломат-

лигини муҳофаза қилишда ҳамда касалликларнинг олдини олишда қўлланган натижаларга эришилмоқда. Бундан ташқари, тиббий кўрикларда замонавий аппаратлар қўлланилиши ҳам тўғри ташҳис қўйиш, қолаверса, жойида тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлмоқда. Навбатдаги тиббий кўрик республикамиз миқёсида истиқомат қиладиган ногирон ва кам таъминланган оила фарзандлари соғлигини тиклашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Марказий поликлиникамизда бошланган мазкур тиббий кўриққа келаётган ота-оналар бу каби тадбирлардан мамнун бўлмоқдалар. 10 та йўналиш-

да олиб борилаётган текширувлар шуни кўрсатмоқдаки, ўтган йилги натижаларга нисбатан ногирон болалар сони камайган. Текширувдан ўтган болаларда жиддий касалликлар аниқланмади, даволашга муҳтожлар эса керакли тавсия ва маслаҳатлар олиб, уларга республиканинг етакчи клиникаларига йўланмалар берилди. Шифокор сифатида шуни айтмоқчиманки, юртимизда инсон саломатлигига жуда катта эътибор қаратиляпти. Айниқса, бирламчи тизимдаги фаолиятлар такомиллашуви касалликни эрта аниқлаш ва унинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тиббиёт ходим-

ларининг аҳоли орасига чуқур кириб боришлари, жумладан, биргина бемор эмас, балки оиланинг барча аъзолари саломатлиги учун масъул эканликлари, халқимизнинг ўз соғлиги ҳамда тиббиётга бўлган ишончини орттирмоқда. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз тиббиёти ўзига хос ўринга эга бўлиб, бутун дунё ҳамжамиятида тан олинмоқда. Шундай экан, бугунги даврнинг талаби ҳар бир мутахассис-шифокору ҳамшира бор билим ва малакасини инсон саломатлигига қаратишни тақозо этмоқда.

(Давоми 5-бетда).



Тиббий кўрик

Тошкент вилояти

БОЛАЛАР – МЕХР-МУРУВВАТ ОҒУШИДА

Тошкент вилояти Зангиота тумани кўп тармоқли марказий поликлиника ҳудудига кириб борар эканмиз, шифо масканининг ободлиги, турли хилдаги гуллар қалбимизга кўтаринки кайфият бахш этган бўлса, аҳолининг тиббиёт муассасасига ишонч билан кириб келаётганлиги бизда пайдо бўлган мамнунлик ҳиссини янада оширди. Поликлиниканинг иккинчи қаватига кўтарилар эканмиз, хоналар ёнида навбат кутиб турган ота-оналар ва болаларга кўзимиз тушди. Врач қабулига кираётган Нозима Юнусхўжаева билан суҳбатни давом эттирдик.

– Биз тиббий кўриқдан жуда мамнунмиз. Кейинги пайтларда хонадонларимизга тез-тез ташриф буюраётган ҳамшираларнинг ҳолимиздан хабар олиши, кези келганда бўлиб ўтадиган «Саломатлик ҳафталиклари» тадбирларига таклиф қилишларидан хурсанд бўламиз. Бу албатта, соҳа мутахассисларининг инсон саломатлигига бўлган эътибори деб биламан. Бугунги тиббий кўриққа 4 ёшли ўғлим Алишерни олиб келдим. Аввало, фтизио-педиатр Мунира Иноятова қабулида бўлганимда, тажрибали шифокор фарзандимни чуқур текшириб, унда сил касаллигининг ҳеч қандай белгилари йўқлигини айтганида, шубҳалардан ҳоли бўлдим. Бошқа мутахассислар ҳам боламнинг саломатлиги жойида эканлигини айтдилар. Ўз касбининг билимдони бўлмиш шифокорларимиз бахтимизга соғ бўлишин.

Мунира ИНОЯТОВА,
Тошкент вилояти
Зангиота туман кўп тармоқли марказий поликлиникага қарашли силга қарши кураш бўлими фтизио-педиатри:

– Мустақиллик йилларида, Президентимизнинг эътибор ва ғамхўрликлари боис, ўсиб келаётган авлод саломатлигига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатининг ошиб бора-

(Давоми. Боши 4-бетда).

ётганлиги натижасида болалар ва ўсмирлар ўртасида касалликларнинг олди олиниб, самарали натижаларга эришилмоқда. Айниқса, кейинги йилларда давлатимиз ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳамкорлигидаги чуқур-



лаштирилган тиббий кўриқларнинг мунтазам тарзда олиб борилаётганлиги халқимизнинг ўз саломатлигини асрашда, шунингдек, тиббиёт ходимларининг касб малакаси ошишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳар йили ўтказиладиган бундай тадбирларда иштирок этиб, болажонларимиз соғлигини сақлашда ўз ҳиссамни қўшиб келаётганлигимдан хурсандман. Йўналишим бўйича болаларни силга қарши эмланганлигини, асосан касалликнинг бирламчи аломатларини аниқлашга ҳаракат қиляпман. Агар

хасталик белгиларини аниқлаш, биринчи навбатда рентген текширувига юбораман. Сўнгра рентген хулосасига кўра касаллик топилса, албатта уни назоратга олган ҳолда даво муолажалари тайинлайман. Бундан ташқари, касалликка мойил гуруҳлар бўлса, уларни вилоятимиздаги 1-сон болалар сил сихатгоҳи ва республика миқёсидаги силга қарши кураш сихатгоҳига даволаниш учун йўлланмалар бераман. Мазкур чуқурлаштирилган тиббий кўриқ жараёнида ногирон ва кам таъминланган оила фарзандларининг саломатлигини текшири-



Машхура ИКРОМОВА,
Зангиота тумани кўп тармоқли марказий поликлиниканинг болалар бўлими бошлиғи:

– Худудимизда 16 ёшгача бўлган болалар 113 680 нафарни ташкил этади. Давом этаётган ушбу чуқурлаштирилган тиббий кўриқда 10 та йўналиш бўйича туман тиббиёт бирлашмамиз ҳамда марказий поликлиникамизда фаолият олиб бораётган кўп йиллик тажрибага эга бўлган малакали шифокорлар иштирок этмоқдалар. Бир кунда 30-35 нафар бола саломатлиги текширувдан ўтказилмоқда. Айниқса, ногирон ҳамда кам таъминланган оила фарзандларининг соғлигини текширишда соҳа мутахассислари бор билимларини ишга солиб, тиббий кўриқда фаол иштирок этмоқдалар. Бундан ташқари ётоқда бўлган ногирон болалар учун алоҳида гуруҳ тузилган бўлиб, улар жойларда ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Текширув натижаларига кўра айрим болаларда асаб тизими, туғма нуқсон касалликлари

мавжудлиги билан бир қаторда ёндош касалликларни аниқлашга жиддий эътибор қаратилди. Жорий йилнинг 31 майгача давом этадиган тиббий кўриқ жараёнида назоратда турган ногирон ва кам таъминланган оила фарзандлари кенг қамраб олинади, кўриқ хулосалари бўйича даволашни соғломлаштирилади. Шунингдек, худудимизда жойлашган 30-сонли махсус мактабгача тарбия муассасасида 7 ёшгача бўлган ногирон болалар имтиёзли тарзда соғломлаштирилади. У ерда 2 та ортопед, 2 та ДЦП, 1 та логопед гуруҳлари мавжуд. Бундан ташқари, физиотерапия хонаси, психолог ва дефитолог каби мутахассислар болалар саломатлигини тиклаш, руҳияти ҳамда нутқини ўстиришга ҳаракат қилиб келмоқдалар. Бу каби чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар албатта ўз самарасини беришига ишонамиз.

Ибодат СОАТОВА,
Сурат муаллифи
Анвар САМАТХОДЖАЕВ,
Жасур ЖАЛИЛОВ.

Халқаро тиббий муносабатлар

ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯЛИК СТОМАТОЛОГЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Хабарингиз бор, 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти» мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий анжуманга дунёнинг ривожланган давлатларидан етакчи мутахассислар таклиф қилиниб, мамлакатимиз илм-фанида эришилган ва эришилаётган ютуқлар билан яқиндан танишдилар.

Жумладан, Жанубий Кореядаги Ёнсей университети стоматология институти «Анатомия ва биология» кафедраси муdiri, профессор Хи-Джин Ким халқаро конференция иштирокчиси сифатида ўз йўналишидаги илмий ишлар билан танишиш мақсадида Тошкент тиббиёт академиясига ташриф буюриб, ўқув ишлари бўйича проректор, профессор О. Тешаев, Тошкент тиббиёт академияси стоматология факультети декани, профессор Н. Хабиров, стоматология ўқув-илмий маркази директори, тиббиёт фанлари доктори Б. Ёрмухаммедов

ҳамда мутахассислик кафедралари профессор-ўқитувчилари билан учрашув ўтказди.

Дарҳақиқат, Тошкент тиббиёт академиясининг Ёнсей университети стоматология институти билан ҳамкорлиги 2008 йилда бошланган. Профессор Хи-Джин Ким Тошкент тиббиёт академиясига ўшанда расмий ташриф билан келиб, ўзбекистонлик ҳамкасблари билан стоматологик касалликларни даволаш, ташҳис қўйиш бўйича ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш таклифини билдирган эди. Бунинг натижасида иккала олий ўқув юрти орасида илмий изланишлар бошланиб, магистратура талабалари мала-

касини ошириш имконияти юзга келди. Икки томонлама – Тошкент ва Сеулда илмий конференция ўтказилиб, ҳамкорлик истиқболлари белгиланди. Бу галги учрашувда ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳақида сўз юритилди.

Хусусан, магистратура талабалари, докторантурада таҳсил олаётганлар учун университет қошидаги илмий-тадқиқот лабораторияларида илмий изланиш олиб бориш, стоматология факультети деканати ишини такомиллаштириш, стоматология ўқув-илмий маркази фаолиятини жадаллаштириш, Ёнсей университети ва ТТА клиникалари орасида телеконференция ўтказиш каби масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, юзга соҳаси бўйича операцияларни муваффақиятли (сентябрь ойида) ва тренинг (октябрь ойида) ўтказиш режалаштирилди.

Икки томонлама ҳамкорлик-



ни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган бу учрашувда стоматология факультети ҳамда магистратура талабалари ва ёш мутахассислар учун «Facial anatomy orthofillerand BoNT injection» мавзусида инглиз тилида маъруза ўқилди. Маъруза бахс-мунозарига бой бўлди. Профессор Хи-Джин иштирокчиларнинг нафақат ўз мутахассисликлари, балки инглиз ти-

лини ҳам мукамал ўзлаштириганидан мамнун бўлганини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Корея стоматологларининг тобора мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорлиги ҳар иккала мамлакат аҳолиси саломатлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Хулқар КУЗМЕТОВА,
Сурат муаллифи
Жасур ЖАЛИЛОВ.

Всемирный день медсестер

ДОСТОЙНЫЕ ПОСЛЕДОВАТЕЛИ
ФЛОРЕНСЫ НАЙТИНГЕЙЛ

Медицинские сестры внесли большую лепту в развитие медицины Республики Узбекистан, и их роль в этом деле очень важна как для врача, так и для пациента. Медицинская сестра с давних времен ценится за свое милосердие и гуманность, за что их и называют не просто медиками, а сестрами милосердия. Ведь они возвращают к жизни многих пациентов на протяжении долгого времени, да и врачам необходима помощь квалифицированных специалистов в области сестринского дела. В ГДКБ № 1 работает около 600 сотрудников со средним медицинским образованием. Среди них около 400 медсестер, фельдшеров и лаборантов. Большинство медицинских сестер ГДКБ № 1 посвятили свою жизнь служению идеалам гуманности, проявляли высочайшее уважение к человеческой жизни, с честью исполняли долг медицинской сестры и находятся в заслуженном отпуске.

В данный период медицинские сестры ГДКБ № 1 продолжают исполнять свой долг по совести и с достоинством. Соблюдают принципы равенства и доступности ухода для всех. Признают и уважают духовные ценности пациентов и коллег. Хранят медицинскую тайну. Наравне с врачами поддерживают честь и благородные традиции медицинского коллектива и способствуют развитию профессионального сотрудничества. Среди них – У. Мелибаева, М. Джураева, М. Ильясова, Х. Ахмедова, М. Адилова, Ш. Джалолова, Д. Имамова, М. Бакиева, Р. Татибаева, У. Умарова, З. Эшметова и другие. Особо хочется отметить труд старших медсестер, являющихся организаторами работы по уходу и лечению больных детей. Их труд всегда выделяется отчетливо, с их активным участием отлично функционируют по назначению все отделения ГДКБ № 1.

Они и фармацевты, и финансисты, и бухгалтера и материально ответственные лица. Роль кадровиков на местах и табельщиков опять выполняют они. Контролируют исполнение лечебно-охранительного режима и исполнение всех действующих приказов Министерства здравоохранения.

Можно с гордостью называть имена старших медсестер – Ф. Саидова, М. Ходиева, З. Вахабова, М. Нодирова, Д. Уралова, Н. Худойбергана-

ва, М. Каримова, О. Исмоилова, З. Асадуллаева и другие. Первая сестра милосердия Флоренс Найтингейл создала систему подготовки кадров среднего и младшего медицинского персонала в Великобритании, и ее по праву считают основоположницей института сестер милосердия в Западной Европе. Вернувшись из Германии в Англию в конце 1855 года, Флоренс Найтингейл организовала сбор пожертвований с целью создания первой школы для подготовки сестер милосердия, которая и была открыта в госпитале Сент-Томас в Лондоне 26 июня 1860 года. Созданные во второй половине XIX века под руководством Флоренс Найтингейл первые медицинские школы в последующем послужили моделью для развития сестринского образования и подготовки управленческого и педагогического звена сестринского персонала. Она настаивала на том, чтобы в сестринских школах преподавали профессиональные медицинские сестры, а управление ими в больницах взяли на себя специально обученные дипломированные медицинские сестры. Первое определение «сестринского дела» дала Флоренс Найтингейл в книге «Записки об уходе», изданной в 1859 году, и в 1865 году этот термин был принят Международным комитетом Красного Креста. Флоренс Найтингейл считала, что сестринское дело, как профессия, отличается от врачебной деятельности и требует

специальных, отличных от врачебных, знаний. Сестры милосердия, окончивая учебное заведение, произносили составленную Флоренс Найтингейл торжественную клятву, в которой были такие слова: «Всеми силами я буду стремиться помочь врачу в его работе и посвящая себя обеспечению здоровья тех, кто обратился ко мне за помощью». Самоотверженная женщина стала примером служения людям и прототипом международного милосердия. Флоренс Найтингейл (Florence Nightingale) родилась 12 мая 1820 года в семье аристократов-англичан на вилле во Флоренции (Италия) и была названа в честь города своего рождения. Она получила достаточно всестороннее, великолепное образование для женщины ее времени: прекрасно знала литературу, владела пятью иностранными языками, изучала математику, историю, философию, занималась живописью и музыкой. Современники Флоренс Найтингейл отмечали, что она была талантливой личностью и свои способности могла реализовать в самых различных сферах деятельности, но ее выбором стала медицина.

В 1851 году, несмотря на протест семьи, Флоренс поехала в Германию в общину диаконисс, которая имела свою больницу и школу для обучения уходу за больными. Блестяще сдав экзамены, девушка вернулась домой, а в 1853 году уехала в Париж, чтобы ознакомиться с монашескими больницами и пройти подготовку у сестер-монахинь. Об ее успехе узнали в Лондоне и предложили отважной леди почетный пост главной смотрительницы столичного лечебного заведения. В 1853 году Флоренс Найтингейл вернулась на родину и заняла должность суперинтенданта в учреждении по уходу за больными женщинами из высшего лондонского общества, под личным патронажем Ее Величества британской королевы Виктории, где в полной мере показала свои орга-

низаторские способности и профессиональные навыки по уходу. В октябре 1854 года в период Крымской войны Флоренс Найтингейл вместе с 38 помощницами-добровольцами отправилась в полевые госпитали сначала в Скутари (Турция), а затем в Крым. Там она последовательно проводила в жизнь принципы санитарии и ухода за ранеными. В результате менее чем за шесть месяцев смертность в лазаретах снизилась с 42 до 2,2 %. Именно она увеличила в госпиталях число палат, чтобы ликвидировать скученность раненых, организовала кухни и прачечные. Флоренс считала, что дело сестер милосердия – спасать раненых не только физически, но и духовно: заботиться об их досуге, организовывать читальни и помогать наладить переписку с родными. Крымская война сделала Флоренс национальной героиней. Вернувшись с фронта солдаты рассказывали о ней легенды, называя ее «леди со светильником», потому что по ночам она с лампой в руках, словно добрый светлый ангел, сама обходила палаты с больными. Английское правительство по достоинству оценило ее вклад в развитие медицинской помощи и в 1883 году Флоренс Найтингейл была награждена Королевским Красным крестом. В 1907 году Флоренс Найтингейл стала первой женщиной Британии, получившей из рук британского короля Георга Пятого орден «За заслуги перед Отечеством». Умерла Найтингейл в Лондоне 13 августа 1910 года в возрасте 90 лет, и была похоронена на скромном сельском кладбище рядом с семьей, заранее отказавшись от того, чтобы ее похороны были приданы статус национального траура. Международный день медицинской сестры отмечается 12 мая, в день рождения Флоренс Найтингейл, которая внесла неоценимый вклад в развитие сестринского дела. Официально Международный день медицин-

ской сестры был учрежден 12 мая 1971 года и теперь дает возможность медсестрам почти всего мира отмечать свой профессиональный международный праздник – Всемирный день медицинской сестры. В 1912 году Лига Международного Красного Креста и Красного Полумесяца (с ноября 1991 называется Международной Федерацией Обществ Красного Креста и Красного Полумесяца) учредила медаль имени Флоренс Найтингейл – самую почетную и высшую награду для сестер милосердия во всем мире. Теперь каждые два года 12 мая присуждается 50 медалей «лучшим из лучших». Медаль из позолоченного серебра, на лицевой стороне надпись на латинском языке «В память Флоренс Найтингейл. 1820-1910». В центре – изображение женщины со светильником, как символ добра, света, милосердия и надежды. На оборотной стороне медали надпись на латинском языке: «Pro Vera Misericordia et cara Humanitate Perennis ducor universalis» («За истинное милосердие и заботу о людях, вызывающие восхищение всего человечества») и по середине гравированная фамилия владельца. Медалью награждают за особые заслуги отличившихся медицинских сестер. К настоящему времени этой медалью награждены более 1000 человек. Накануне Международного дня медицинской сестры хочется поблагодарить всех медсестер за самоотверженность и чуткость, бескорыстие и истинную гуманность, за высокое чувство ответственности и профессионализм. Пусть никогда им не придется усомниться в той пользе, которую они приносят каждой минутой своей работы!

М. ТАБИБОВА,
гл. врач ГДКБ №1.
М. АДЫЛОВА, гл.
медсестра ГДКБ №1.

Тиббиёт ҳафта ичида

ДОЛЗАРБ
МАСАЛАЛАРГА
БАҒИШЛАНДИ

Наманганда бўлиб ўтган илмий-амалий семинар онкологиянинг долзарб масалаларига бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика онкология илмий маркази, Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вилоят даволаш-профилактика муассасаларида фаолият юритаётган онколог, пульмонолог, терапевт ва рентгенологлар, умумий амалиёт шифокорлари иштирок этди.

Семинарда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлиги ортиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Жаҳон жамоатчилигини ташвишга солаётган ўсма касаллигининг олдини олиш ва уни даволаш бўйича олиб борилаётган илмий ва амалий ишлар юзасидан маърузалар тинглан-ди.

Соғлом бола — соғлом оила меваси

Андижонда «Соғлом бола – соғлом ва аҳил оиланинг меваси» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олий ўқув yurtлари профессор-ўқитувчилари, талаба ёшлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва «Оила» илмий-амалий маркази вилоят филиали ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида оилани мустаҳкамлаш, унинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини янада юксалтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

– Давлатимиз раҳбарининг «Юксак маънавият – энгилмас куч» асарига оиланинг ҳар қандай миллат маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришдаги ўрни ва таъсири беқиёс экани алоҳида қайд этилган, – дейди Андижон вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Манзурахон Юнусова. – Бинобарин, жамиятнинг юксалиши оиланинг нечоғли барқарор ва мустаҳкам бўлишига ҳам боғлиқдир. «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган ушбу анжуман оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш ва бу борадаги илгор тажрибаларни оммалаштиришга хизмат қилади.

Анжуманда «Илм – оилада соғлом муҳит яратиш омили», «Фарзанд тарбиясида миллий-маънавий кадрларнинг ўрни», «Соғлом оилани барпо қилишда тиббий кўрикнинг аҳамияти», «Оилавий бюджетни ташкил қиладиган даромадлар ва уларни тўғри тақсимлаш», «Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш», «Оилавий муҳит барқарорлигида психологик омиллар» каби мавзуларда маърузалар тинглан-ди. Фарзанд тарбияси, эрта турмуш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ЎЗА.

Хурматли
газетхонлар!

Кейинги йилларда республика соғлиқни сақлаш тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бериб келаётганлиги қувонарли, албатта. Айниқса, давлатимиз томонидан бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимига қаратилаётган эътибор бундан мустасно эмас. Газетамизда «Савол беринг – жавоб берамиз» рукни остида мутахассислар билан мулоқот олиб боришмоқда. Агар Сизда бирламчи тиббий-санитария ёрдами ташкиллаштириш бўйича саволлар бўлса, вазирликнинг Марказий штаби barno.odilova@minzdrav.uz электрон манзили ёки 241-86-16 телефон рақамига мурожаат қилинг.

Мутахассислар томонидан берилган жавоблар «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси саҳифаларида чоп этиб борилади.

Кўрик-танлов

МАҲОРАТЛИ ҚИЗЛАР БЕЛЛАШУВИ

Бугунги кунда республикаимиз миқёсидаги тиббиёт муассасаларида 300 мингга яқин ҳамширалар халқимиз саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қилиб келмоқдалар. Айтиш муҳимки, ҳақиқатдан ҳам тиббиёт тизимида ҳамширалар хизмати алоҳида эътирофга муносиб. Шифо масканларида фаолият юритаётган ҳамшираларимиз тунларни бедор ўтказиб, бемор қалбларга нажот улашадилар.



Бирламчи тизимдаги ҳамшираларимиз эса халқ билан ҳамнафас яшаб, ҳар бир оиланинг саломатлиги учун меҳнат қилиб, касалликларнинг олдини олишда таянч ва ҳаракатлантирувчи куч сифатида ўзларини намоеън этаяптилар. Улар меҳнатини қўллаб-қувватлаб келаётган Президентимиз ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ўтказилаётган турли кўрик-танловлар ҳамшираларимизнинг касб маҳорати, қолаверса истеъдодини намоеън этишда асосий омил бўлмоқда. Айниқса, аънамага айланаб қолган "Ҳамшира" кўрик-танловининг ҳар йили ўзига хос кўтаринки кайфиятда ўтказиб келинаётганлиги

ҳам юқоридаги фикрларимизнинг ёрқин далилидир. Жумладан, ана шундай кўрик-танлов, турли байрам тадбирлари Тошкент тиббиёт академиясининг 3-клиникасида ўзгача шукҳ билан ташкил этилди. 2014 йилнинг 17 май куни Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги маданият саройида 12 май – Халқаро ҳамширалар куни муносабати билан "Энг зукко ҳамшира" кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Тадбирни Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси бош шифокори Жасур Ризаев кириш сўзи билан очиб, иштирокчиларни Халқаро ҳамширалар куни билан самимий қутлади. Ва кўп йиллардан буён ишлаб келаётган фидойи ҳамшираларни маъмуриятнинг фахрий ёрлиғи

ҳамда пул мукофотлари билан тақдирлади. Сўнгра клиника бўлимларида фаолият олиб бораётган 9 нафар ҳамшира киз билим ва маҳорат бобида ўзаро беллашди. Улар танловнинг табрик, назарий билимлар, блиц саволлари, амалий машгулот, уй вазифаси ва эркин мавзу шартлари бўйича саҳнада ўз истеъдодларини намойиш этдилар.

Эътиборлиси шундаки, бир-биридан чаққон, либослари ўзига ярашган, юзларида самимийлик барқ уриб турган танлов иштирокчилари шартларни аъло даражада бажардилар. Айниқса



улар касб маҳоратларидан ташқари, танловнинг уй вазифаси бўйича қанчалик пазанда, санъат ва адабиёт бобида эса истеъдодли эканликларини кўрсатганликлари томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Албатта, танлов иштирокчилари чиқишларини ҳайъат аъзола-



лим ва истеъдодлари бир-биридан қолишмасди. Шунга кўра 1-ўрин клиниканинг катталар юз жарроҳлиги бўлими ҳамшираси Шоҳсанам Авазхоновага, 2-ўрин гинекология бўлими ҳамшираси Нилуфар Қаҳқоровага, 3-ўрин эса маслаҳат-поликлиника бўлими ҳамшираси Умида Зияевага насиб этди. Қолган қатнашчилар эса турли номинацияларга муносиб деб топилди. Танлов иштирокчилари Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш касаба уюшмаси кенгаши ҳамда академия маъмуриятининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланишди.

ри одилона баҳолашга ҳаракат қилдилар. Чунки уларнинг би-

Ушбу байрам тадбири юқори савияда ўтишида клиника жамоасининг ҳамжиҳатлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Уларнинг ана шундай хайрли ишлари бундан кейин ҳам бардавом бўлиши шубҳасиз.

Ибодат СОАТОВА.

Суратлар муаллифи Жасур ЖАЛИЛОВ.

2014 йил – Соғлом бола йили

СКРИНИНГ МАРКАЗИ ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

"Онасининг вужудидаёқ гўдакни қил эҳтиёт, унга бирор офат етмай, туғилсин у барҳаёт".

Абу Али ибн Сино.

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йигирма бир йиллиги тантанасида нутқ сўзлар экан, соғлом болани вояга етказишда тиббиёт ходимларининг ўрни ва таъсири, шунингдек, масъулияти нечоғлик катталигини алоҳида таъкидлаган эди. Чиндан ҳам соғлом авлодни дунёга келтиришдек эзгу савий-ҳаракат у дунёга келмасиданок бошланмоқда. Президентимизнинг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳамда бунинг мантиқий давоми бўлган "Она ва бола скрининги" Давлат дастури бу борадаги ишларни яхлит тизимга солишнинг ҳуқуқий-меъёрий асосидир. Ҳомиладор аёллар ва чақалоқларга скрининг текширув йўли билан наслий касалликлар ва ривожланишнинг туғма нуқсонларини эрта аниқловчи давлат тизимини ташкил этиш мақсадида ҳар бир вилоятда "Она ва бола скрининги" маркази фаолият кўрсатапти. 2014 йилнинг "Соғлом бола йили"

дея эълон қилиниши эса, шу вақтга қадар юртимизда соғлом авлодни юзага келтириш йўлида яратилган имкониятлар, кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Навоий вилоятида 2005 йилдан худди шундай скрининг маркази аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Ирсий касаллик билан туғилган болаларга махсус тиббий-генетик хизмат кўрсатиш, ногирон бола туғилишининг олдини олиш учун ҳомиладор аёлни текширувдан ўтказиш марказ ходимларининг асосий вазифасидир.

– Соғлом бола ҳар биримизнинг қувончимиз, носоғлом гўдак эса нафақат ота-онасига, жамиятга ҳам катта ташвиш туғдиради. Ҳар бир ота-она туғилажак фарзандини соғлом кўришни истайди. Бу эса биздан катта масъулият талаб этади, – дейди марказ директори **Лутфия Рустамова**. – Ҳомиладор аёлда эрта текширув йўлга қўйилганлиги ва муаммоли ҳомила ўз вақтида тўхтатаётганлиги сабабли, кейинги йилларда ногирон бола туғилиши 1,7 баробар камайди.

2012 йилда марказ мутахас-

сислари томонидан 9000 га яқин ҳомиладор аёл текширувдан ўтказилиб, 200 га яқин ногиронликка олиб келувчи ҳомилада хавfli нуқсон аниқланди ва унинг ривожланиши тўхтатилди. 2013 йилда эса 11000 дан зиёд ҳомиладор аёлнинг 180 нафаридан ногирон бола туғилишининг олди олинди. Бу кўрсаткичларнинг асосий сабабларидан бири муассасанинг юқори технологик жиҳозлар ва малакали кадрлар билан таъминланганидир.

– Марказимиз мутахассислари Тошкент шаҳридаги Республика скрининг маркази ва бошқа нуфузли тиббиёт муассасаларида ўз малакасини ошириб келишади. Бундан ташқари, мутахассислар Соғлиқни сақлаш вазирлиги кўмагида тиббий-генетик хизмат ривожланган давлатларда тажриба алмашиб қайтмоқда, – дейди марказнинг УТТ врачлари **М. Ҳикматиллаева**. – Ўтган йилнинг октябрь ойида Украинада оналик ва болалик муҳофазасига доир ишлар билан танишиб, тажриба алмашиб қайтдим. Албатта, бу кейинги фаолиятимда жуда асқотади, деб ўйлайман. Скрининг юқори технологияга асосланган текширув жараёнидир. У орқали она қорнидаги ҳомиланинг умумий аҳволи бўйича тўлиқ ахборот



олиш мумкин. Скрининг фаолиятини йўлга қўйиш натижасида оналар ва болалар ўлими билан боғлиқ нохуш ҳолатлар камайишига, турли хил экстрагенитал касалликлар аниқланган аёллар соғломлаштиришга эришилмоқда.

– Ҳомиладорларни скрининг текширувиге жалб қилишнинг оптимал муддати 14-20 ҳафта оралиғи ҳисобланиб, ҳомиланинг соғломлиги тўғрисидаги маълумотни 5 ойлик тўлғунига қадар махсус перенатал УТТ ва биохимик текширув натижасида аниқлаш мумкин, – дейди **Лутфия Рустамова**.

Бугун туғруқхоналарда "инга-инга"лаб дунёга келаётган гўдакларга аввало, давлатимиз

томонидан ғамхўрлик кўрсатилган бўлиб, бунинг замирида мамлакатимиз тараққиётини белгилайдиган, унинг гуллаб-яшнашини таъминлайдиган билимли, ақлли, ўз интеллектуал ва жисмоний имкониятларини намоеън этишга қодир авлодни вояга етказиш мақсади мужассам. Бу жараёнга Навоий вилояти скрининг маркази шифокорлари ҳисса қўишни ўзлари учун шараф, деб биладилар.

Зилола ИБРАГИМОВА,
Навоий вилояти.

СУРАТДА: Навоий вилояти скрининг маркази шифокорларининг иш жараёнидан лавҳа.

Дийдорлашув

ТАЛАБАЛИК ДАВРИНИНГ
УНУТИЛМАС ЛАҲЗАЛАРИ

қалбларда бир умр муҳрланиб қолди

“Дийдор ганимат”, “дийдор ширин” деган олижаноб сўзлардан руҳланиб, соғинчли қалблар сари интилган инсон борки, бу туйғу нақадар юксаклиги ва унинг қадрига етиб юриш олий бахт эканлигини юрак-юрақдан ҳис этиб туради.

Бундан 30 йил муқаддам Тошкент педиатрия тиббиёт институтини тамомлаб, эл-юрт назарига тушган шифокорларнинг дийдорлашув онларидаги ҳаяжонларига ана шундай таъриф бериш мумкин.



Албатта, нуфузли олий таълим даргоҳларидан бири ҳисобланган Тошкент педиатрия тиббиёт институтини

ҳозирга қадар кўплаб шифокорлар тамомлаб, мамлакатимиздаги турли даволаш муассасаларида меҳнат қилишмоқда.

Яқинда ушбу даргоҳни бундан 30 йил муқаддам тамомлаган курсдошлар учрашуви ўтказилиб, ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Соғинч, узоқ кутилган дийдорлашув онлари эса ҳаммада бир лаҳзага бўлган, талабалик даврини эслашга, курсдошлар билан ўтган унутилмас дақиқаларни ёдга олишга ундади. Ҳа, орадан кўп йиллар ўтди. Мазкур институтни тамомлаган битирувчилар бугун халқ саломатлиги, айниқса, шириндан-шакар фарзандларимиз соғлом ва баркамол униб-ўсишлари йўлида тинмай хизматдалар.

Учрашувнинг ташкилотчи ва иштирокчиларидан бири Тошкент шаҳридаги 51-оилавий поликлиника бош шифокори Гўзал Қодирова шундай дейди:

– Биз ана шу институтдан мустақил ҳаётга учирма қилиндик. 1974 йилда дипломни қўлга олгач, турли даволаш муассасаларида халқимиз саломатлигини сақлашдек олижаноб ишда ўз билим ва имкониятимизни ишга солдик. Албатта, бир-биримизни соғинганмиз. Бугунги ҳаяжонимнинг чегараси йўқ. Устозларимизни кўриб, улар билан дийдорлашдик. Бу кун ҳеч бир курсдошимизнинг ёдидан чиқмас керак.

Дийдорлашув, қадрдонларни бир-бирига боғловчи тадбирда 100 нафарга яқин курсдош тўпланди. Институт бош биносига устозлар ва талабалар кутиб олинди. Катта мажлислар залига тўпланган тадбир иштирокчиларининг юзи-

да табассум, кўзида ҳаяжон. Институт раҳбарияти собиқ битирувчиларни табриклар, ўтган давр мобайнида мазкур даргоҳда амалга оширилган ижобий ўзгариш ва ютуқларни тилга олди. Собиқ битирувчилар институт биносидagi бунёдкорлик ишлари,

ҳақида гапириб бердилар. Қизиқарли тарзда ўтган учрашувда битирувчиларга ҳурмат-иззат кўрсатилиб, улар учун маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Муқимий номидаги мусиқали драма театрида намойиш қилинган қизиқарли спектакль барча қат-



ёшларнинг билим олиши учун яратилган кенг имкониятлар билан яқиндан танишдилар ва ёш талабаларга ўз ҳаётини таърибалари, эришган ютуқлари

нашчиларнинг ёдида муҳрланиб қолди.

Намоз ТОЛИПОВ.
Суратлар муаллифи
Жасур ЖАЛИЛОВ.

«Ҳамшира – 2014»

ЗАРНИГОР РЕСПУБЛИКА
БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА ОЛДИ

Маълумки, шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда «Ҳамшира – 2014» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтмоқда. Жумладан, 2014 йил 20 май куни Чирчиқ шаҳар «Кимёгарлар» маданият саройида Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимида фаолият юритаётган ҳамширалар ўртасида «Ҳамшира – 2014» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Танлов иштирокчилари 5 турдаги шартлар бўйича ўзаро беллашдилар. Ҳакамлар ҳайъати томонидан 1-ўринга Бекобод шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиника ҳамшираси Зарнигор Ҳайтова, 2-ўринга Зангиота тумани тиббиёт бирлашмаси тиббиёт ходими Нуриддин Йўлчиев, 3-ўринга эса Бўка тумани тиббиёт бирлашмаси шошилинч тиббий ёрдам бўлими ҳамшираси Севгида Хидирова муносиб деб топилди.

Танлов якунида голиб ва совриндорлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, Қизил Ярим ой жамияти томонидан тақдирланди.

Фарида КОМИЛОВА.

ҲАМКОРЛИКДАГИ ХАЙРЛИ ИШЛАР

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига «Саломатлик» поездеи жўнатилади.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур хайрия тадбиридан кўзланган мақсад мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида яшаётган аҳолини, жумладан, аёллар ва болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш, уларга манзилли ёрдам кўрсатишдан иборат. Ушбу «Саломатлик» поездеи таркибидagi мурувват юклари «Nestle Uzbekistan» кўшма корхонаси, «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи, «Baxteks» масъулияти чекланган жамияти, «Shaffof servis» кўшма корхонаси ва бир қатор халқаро ташкилотлар кўмагида шакллантирилган.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига «Саломатлик» поездеи жўнатилиши муносабати билан ушбу ҳудудларда саломатлик кунлари ташкил этилади. Бир ҳафта давомида малакали мутахассислар томонидан болалар, хотин-қизлар, кўп болали оилалар аъзолари ва бошқа тиббий-ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни тиббий кўриқдан ўтказиш, хасталик аниқланганларни соғломлаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади. Шу билан бир қаторда, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи учрашувлар ташкил этилади. Хайрия акцияси давомида даволаш-профилактика муассасалари ва аҳолига тиббиёт анжомлари, санитария-гигиена воситалари, дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва бошқа мурувват юкларини етказиб бериш режалаштирилган.

Баҳор ХИДИРОВА.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикфол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 8152 нусха.
Буюртма Г-559.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

